



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 19 декабрь, № 254 (6948) Сешанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РИВОЖИГА ЯНГИ СУРЪАТ БАҒИШЛАМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15-16 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 16 декабрь куни Нукус шаҳрида барпо этилган Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ташриф буюрди.

«Бу ер ҳали зўр бўлади», «Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг», «Кўнгил кўнгилдан сув ичар», «Қорақалпоқни кўп мактама кўзимча», «Бир одамни бир одам»... Ибройим Юсупов қаламига мансуб бу сатрлар халқимиз кўнгилдан чуқур жой олган, дунёнинг ўнлаб тилларида таржима қилинган.

Мустақиллик йилларида шоир ижоди муносиб қадрланди. Унинг шеър ва публицистик асарлари кўп минг нусхада чоп этилди. И. Юсупов «Эл-юрт хурмати», «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. 2004 йил унга Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 21 январь куни Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон халқ шоири Ибройим Юсупов номидаги мактаб бунёд этиш, мактаб олдида шоир ҳайкалини ўрнатил, босмахоана ташкил қилиш бўйича топшириқлар берган эди.

Шунга мувофиқ, Нукусда уч қаватли замонавий мактаб барпо этилди. Ибройим Юсупов ҳайкали ўрнатилган жой ижодкорлар, ёшлар учун яна бир хиббонга айланди. Мактаб қошида китоб таржима қилиш ва чоп этиш маркази ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари мактабда ўқитувчи ва ўқувчилар, қорақалпоғистонлик адиблар билан учрашди. Мактаб ўқувчилари Ибройим Юсупов шеърларидан ўқиб берди.

Шавкат Мирзиёев бу ерни маънавий масканга айлантириш, атоқли шоир ва ёзувчиларимиз ижодини халқимизга ва бутун дунёга кенг тарғиб этиш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун мамлакатимизда ташкил этилган Ибрат, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф номидаги мактаблар билан мустаҳкам алоқа ўрнатил, улар ўртасида ижодий танловлар ўтказиш керак. Жамиятда китобсеварлик муҳитини шакллантириш, айниқса, ёшларнинг китоб мутолаасига бўлган қизиқиши ҳар томонлама рағбатлантирилиши лозим.

Президентимиз мактаб-интернатда яратилган шароитларни кўздан кечирди. Мактаб жамоасига автобус совға қилиш бўйича кўрсатма берди.

Нукус шаҳрида иш бошлаган «Samsung» заводига кираверишда

тош лавҳага шундай сўзлар ёзилган: «Ушбу маиший техника воситаларини ишлаб чиқариш заводи Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 21 январдаги Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомидаги ташаббуси асосида барпо қилинди. 2017 йил 14 октябрда завод дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқарди».

Собиқ «Нукус Реммаш» масъулияти чекланган жамиятига қарашли бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ва қўшимча биналар қуриш ҳисобига барпо этилган заводда телевизорнинг тўрт ва чанготкичинг ўн уч тури ишлаб чиқарилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу заводни бориб кўрди. Ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди, махсулотлар сифати ва кўлами билан қизиқди.

Бугун «Samsung» бренди остида ишлаб чиқарилаётган маиший техника воситалари кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. 200 дан ортиқ кишилар бандлиги таъминланган янги корхона энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган.

Бугун мамлакатимизда маиший техника воситалари ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Аҳолининг бу борадаги талаби қондирилмоқда. Энди бу соҳада экспорт ҳажмини оширадиган вақт келди, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Биргина «Узэлтехсаноат» АК томонидан умумий қиймати 27,5 миллиард сўмлик 12 лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинди.

Президентимизга «Узэлтехсаноат» АК томонидан келгусида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилиши режалаштирилган янги лойиҳалар тақдим қилинди. Лойиҳалар яримавтомат кир ювиш машиналари, электр шкафлар ва сув иситиш мосламалари, иситиш мосламалари ва радиаторлар, энергия тежамкор лампалар ишлаб чиқариш, маиший техника воситаларини сотиш ва техник хизмат кўрсатиш каби йўналишларни қамраб олган.

Мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари қатори Нукус шаҳри қиёфаси ҳам йилдан-йилга гўзаллашиб, замонавий тураржолар, истироҳат боғлари, спорт мажмуалари бунёд этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Нукусда янгидан қурилган Олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаш-

тирилган олий спорт маҳорати мактаби фаолияти билан танишди.

Спортнинг эркин ва юнон-рум кураши, оғир атлетика, дзюдо, таэквондо, бокс, қиличбозлик, бадий гимнастика сингари 11 тури билан шуғулланиш имконияти яратилган янги спорт мажмуасини бунёд этиш учун 15 миллиард сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган. Замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган 7 спорт зали, ётоқхона, ошхона, машғулотлар учун сунъий қўпламали спорт майдончаларида 700 дан зиёд ўғил-қизлар спорт билан мунтазам шуғулланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ушбу спорт комплекси юқорида қайд этилган спорт турлари бўйича Қорақалпоғистон терма жамоалари ўқув-йиғин машғулотли ўтказадиган базага айлантирилади. Мажмуа ўқув-йиғин машғулотлари учун яратилган имкониятлари бўйича мамлакатимизда ягона ҳисобланади.

Президентимиз ёш спортчилар билан мулоқот қилди.

Аваллабор, шундай замонавий спорт иншооти билан сизларни табриклияман, деди Шавкат Мирзиёев. Бу масканда спорт билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган. Энди шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, юксак натижаларга эришиш керак.

Давлатимиз раҳбари мажмуада Қорақалпоғистон спорт мураббийларининг малакасини ошириш марказини ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Президентимиз номида оғир атлетика бўйича нуфузли турнирлар совриндори Рустам Жангабоевга уй, дзюдочи Элёр Машариповга «Malibu» автомобили, қиличбозлик бўйича халқаро турнирлар совриндори Зайнаб Дайибековага «Nexia» машинаси берилди. Ёш спортчиларга эсдалик совгалари топширилди.

Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳар бош режаси асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Нукуснинг бош режаси шаҳарни 2035 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инфратузилма ва аҳоли тураржол шароитини яхшилашга қаратилган кенг кўламли бунёдкорлик лойиҳаларини қамраб олган.

Давлатимиз раҳбари жорий йил январь ойда Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Нукуснинг Ерناзар Олакўз кўчасини реконструкция қилиш лойиҳаси

билан танишиб, уни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берган эди. Режага кўра, ушбу марказий кўча кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати учун янада кенг қулайлик яратиш, йўл бўйида кўп қаватли уйлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари қуриш белгиланганди.

Айни пайтда бу ерда замонавий лойиҳалар асосида 5 қаватли 30 тураржол биноси қуриб битказилмоқда. Илтиёзли ипотека кредити асосида бериладиган ушбу уйларда замонавий қулайликлар яратилади. Уйлар 2018 йилда фойдаланишга топширилади. Келаси йили ушбу кўчада яна 20 уй қурилади.

Шаҳарнинг Абдамбетов кўчасида ҳам арзонлаштирилган уйлардан иборат тураржол массиви барпо этилмоқда. Жорий йилда қурилган кўп қаватли 7 уй шу кўчада ўз эгаларига топширилмоқда.

Масъуда замонавий маҳалла маркази, хизмат кўрсатиш шохбачалари, «Гўзаллик саломи», минибанк, болалар ўйин майдончалари барпо этилади, ҳудуд ободонлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари аҳолининг арзонлаштирилган уй-жойларга қизиқиши ортиб бораётганини инобатга олиб, келгуси йили бу ерда яна 15 кўп қаватли уй қуриш бўйича топшириқ берди.

Шу ерда Президентимизнинг Сергели туманига ташрифи чоғида берган кўрсатмалари асосида кўп қаватли уйлarning 1-қаватида болалар боғчаси ва оилавий поликлиникани жойлаштириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа тақдими ҳам ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев замонавий шаҳарсозликнинг илгор ечимларини ўзида мужассамлаштирадиган, аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратадиган ушбу уйлarning афзаллигига эътибор қаратди, лойиҳани такомиллаштириш, кўп фарзандли оилалар ва кексаларга қўшимча шароитлар яратиш кераклигини таъкидлади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали шифохонасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва реконструкция ишлари, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг янги бош ўқув биносини қуриш, «Dian-plast» масъулияти чекланган жамияти томонидан юмшоқ юк контейнерлари, полиэтилен қоплар ва сумкалар ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳам муҳофиза қилиниб, бу борада топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович! Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф давомида менга ва Қирғизистон делегациясига кўрсатилган эҳтиром ва меҳмондўстлик учун чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Менинг ташрифим жорий йилда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик алоқалари, яхши кўшнчилик ва қардошлик муносабатларига асосланган стратегик шериклигини янада мустаҳкамлаш бўйича эришилган келишувлардан жуда хурсандман.

Қирғизистон билан Ўзбекистоннинг халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик алоқалари, яхши кўшнчилик ва қардошлик муносабатларига асосланган стратегик шериклигини янада мустаҳкамлаш бўйича эришилган келишувлардан жуда хурсандман.

Йўловчи транспорт қатновини қайта тиклаш, транзит ташишларни таъминлаш ва транспорт йўлақлари очиш, шунингдек, экспорт-импорт алоқаларини фаоллаштиришга қаратилган қўшма режаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши оддий фуқаролар турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратишга ишончим комил.

Уйлаيمانки, Қирғизистон — Ўзбекистон давлат чегараларининг қолган қисмини делимитация қилиш ишлари ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида фаол суръатда давом этади.

Сизнинг дипломатияда янги аъёнларга асос солаётганингиз, давлатлараро аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда ностандарт ва самарали ёндашувларни намоян қилаётганингиз тахсинга сазовор. Сиз нафақат Қирғизистон ва Ўзбекистон, балки бутун минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликка ижобий суръат бағишладингиз.

Қирғизистон Сизнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусингизни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Биз бу ташаббусни амалга ошириш йўлида барча сайёҳатларимизни ишга солаемиз.

Қадрли Шавкат Миромонович! Ўртамазда дўстлик ва биродарлик муносабатлари қарор тоғинидан гоят мамнунман.

Сизнинг ташриф давомида бир неча бор янграган «дардингизни ўз дардимиз, ғалабангизни ўз ғалабамиз сифатида қабул қилаемиз», деган сўзларингиз қирғиз халқига эгу муносабатингиз ифодаси бўлиб, қалбимдан чуқур жой олди.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва тараққиёт тилайман.

Хурмат билан,
Сооронбай ЖЭЗНБЕКОВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси 2017 йил 20 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлис залда очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2017 йил 19 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесига рўйхатга олинади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING РИВОЖЛАНИШ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш мақсадида иқтисодий жиҳатдан жабл қилиш бўлиши, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур соҳадagi фаолиятнинг самарадорлигига, энг аввало, мавжуд ресурслардан ноқўллана фойдаланиш, инвестиция дастурига қиритилган лойиҳаларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва рентабеллиги юзаси ўрганилганлиги билан боғлиқ қатор камчиликлар салбий таъсир кўрсатмоқда.

Амалдаги ресурсларни, шунингдек, инвестициялар, энг аввало, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг реал имкониятларини инобатга олган ҳолда иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларни узоқ муддатли ривожлантириш концепцияси мавжуд эмас. Бунинг оқибатида иқтисодий жиҳатдан истиқболли бўлмаган лойиҳаларни ташаббус қилиш, молиявий маблағларни самарасиз сарфлаш ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу охир-оқибатда, умуман, мамлакатнинг инвестициявий жойибадорлигини пасайтиришга олиб келади.

Мазкур ҳолатлар инвестиция дастурларини шакллантириш тартиби, уни молиялаштириш механизмларини тубдан қайта қўриб чиқишни, амалга оширишга таклиф этилган лойиҳаларни танлаб олишни шартлойдиган ва самарадорлигини оширишни талаб қилади.

Ривожланиш давлат дастурларини шаклланти-

риш тартибини янада такомиллаштириш, лойиҳаларни молиялаштириш ва танлаб олишни самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ;

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлигининг марказлаштирилган манбалар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, шу жумладан, ҳудудлар ва иқтисодий тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари (кейинги ўринларда ривожланиш давлат дастурлари деб юритилади) асосида амалга ошириш тартибини жорий этиш;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмадиси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш ҳақидаги таклифлари қабул қилиниши;
3. Белгилаб қўйилсинки: ривожланиш давлат дастурларига қиритилган, молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари белгиланган лойиҳаларни молиялаштириш фақат Жамғарма орқали амалга оширилади;
4. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республи-

каси Марказий банкидаги ҳисобварақларда жамланади;

Жамғарманинг ижро этувчи органи ва маблағларининг тасарруф этувчиси Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар, инновациялар ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик сонаот зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси раҳбари Жамғарманинг ижро этувчи директори ҳисобланади;

Жамғарманинг ижро этувчи директори ва унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Жамғарма Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

3. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет ва давлат бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ривожланиш давлат дастурларига қиритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун мўлжалланган маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ривожланиш давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати билан жалб этиладиган чет эл кредитлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан белгиланган бошқа манбалар.

(Давоми 2-бетда).

Иқтидорли болаларга — Президент совғаси



Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи доирасида Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ҳам бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди.

Айтиш жоизки, ушбу муассаса давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қисқа муддатда барпо этилди. Уч қаватли замонавий маскан биноси олдида Ўзе-

ҒАМХҲҮРЛИК

кстон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони И. Юсупов

ҳайкали ўрнатилган. Бу ерда турли ижодий учрашувлар, мушоиралар ўтказиш аънағана айланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Дўстлик тараннуми

Осиё, Африка, Европадаги бир қатор давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари, дипломатик корпус вакиллари ҳамда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси делегациялари яқинда "Жиззах" эркин иқтисодий зонасининг Сирдарё филиалидаги "Пенг Шенг" саннат мажмуасида очилган "Ўзбекистон — Хитой дўстлик боғи"га таширф буюришди.

ҲАМКОРЛИК

Меҳмонлар боғ остонасида карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Сўнгра уларга мажмуа дам олиш максадида яратилган қўлайликлар атрофлича таништирилди.

Таъкидлаш ўринлики, қарийб 15 гектар майдонни эгаллаган "Ўзбекистон — Хитой дўстлик боғи" икки халқ ўртасида тобора мустақамлашиб бораётган ҳамкорлик алоқалари рамизи сифатида барпо қилинди. Унинг лойиҳавий ечимида ҳам ана шу мазмун-моҳият устуворлик касб этган. Бу ерда шарқона услубда қурилган шийночли йўлаклар ва бетакорр ҳовуз таширф буюрувчиларга ўзгача завқ бағишлайди.

Аттракцион майдончаси эса ҳаммаша болалар билан гавжум. Худудда спорт машғулотлари ҳамда турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган алоҳида майдон ҳам мавжуд. Дам олувчилар боғ кутубхонасида ўзбек, хитой ва дунё адабиёти намуналарини мутулаа қилишлари мумкин. Қолаверса, ёшларнинг билим ҳамда малака эгаллашлари ва хорийжий тилларни ўрганишлари учун ўқув маркази ишлаб турибди.

Бинобарин, маскан атрофидан мактабгача таълим муассасаси, "Пенг Шенг" саннат мажмуаси маҳсулотларининг савдо кўرғазмалари зали, ўзбек ва хитой миллий таомлари тайёрланган кафе ҳамда ресторани ўзини олган меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

— Ушбу боғ тисмолида Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги мустақамлашиб бораётган ҳамкорлик алоқалари рамизи сифатида барпо қилинди. Унинг лойиҳавий ечимида ҳам ана шу мазмун-моҳият устуворлик касб этган. Бу ерда шарқона услубда қурилган шийночли йўлаклар ва бетакорр ҳовуз таширф буюрувчиларга ўзгача завқ бағишлайди.

Тадбир доирасида ишлаб чиқарилаётган саннат мажмуаси маҳсулотлари, хунарманчилик намуналари кўрғазмаси ташкил қилинди. Меҳмонларга жаҳонга машҳур "Қорабайир" зотли отлар ҳам кўрсатилди. Унинг ҳамда Сирдарё тумани ёш спортчилари ўз маҳоратларини намойиш этишган бўлса, фольклор-этнографик, болалар ансамбллари кўйишлари тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

Сирдарё вилояти мусиқали драма театри саннаткорларининг "Яхши кун" деб номланган сахна кўриниши, "Сирдарё наволари" академик ансамбли аъзолари ижросидаги турли халқлар миллий рақсларида ҳам дўстлик ва ҳамжиҳатлик тараннум қилинди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ф. Мирзаев иштирок этди.

Сирдарё вилояти мусиқали драма театри саннаткорларининг "Яхши кун" деб номланган сахна кўриниши, "Сирдарё наволари" академик ансамбли аъзолари ижросидаги турли халқлар миллий рақсларида ҳам дўстлик ва ҳамжиҳатлик тараннум қилинди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ф. Мирзаев иштирок этди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ф. Мирзаев иштирок этди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Байрам дастурхони сара маҳсулотлар

Андихон вилоятининг Пойтуғ шаҳрида "Макро" супермаркети очилди. Уни ҳудуд аҳли Янги йил тўғрисида қабул қилди.

ҚУЛАЙЛИК

— Бу ерда 10 минг турдан ортик маҳсулотлар харидорларга тавсия этилади. — дейди "Дарвоза савдо" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қаҳрамонжон Отахонов. — Шу билан бирга, мажмуада савдо хизмати кўрсатишнинг энг илгор усулидан фойдаланилади. Супермаркетимизни энг сўнгги русумдаги ускуна ва жиҳозлар билан таъминлади. Қолаверса, 50 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Саминжон ХУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ELXOLDING» МЧЖ шаклидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси

сотувга тақдим қилади.

Ғўза қатор оралирига ва очик майдонларга дон экишга мўлжалланган универсал севялка УСЗД-3,6-0,9

«ELDOSH EL 150» русумли юк мотоцикллари

Тезлаб! Куч! Қўлайлаб!

Маҳсулот оморларини доим татқиқлаб.

Тўлов шакли — исталган тарзда.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 36-уй.
Телефонлар: (+99891) 541-90-41, (+99866) 234-22-72.
Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

МАЪНАВИЯТ

Халқимиз ўзининг ноёб қобилияти ила миллат тарихида ёрқин из қолдирган аждодлари билан ҳақли равишда фахрланади. Ана шундай инсонлардан бири — ўн тўққизинчи асрда Тўрақўрғон заминиде туғилиб ўсган нодир истеъдод соҳиби Исҳоқхон Жунайдуллаҳужа ўғли Ибратнинг илм-фан ва маърифат йўлида амалга оширган эзгу ишлари ўз даврида катта воқелик бўлганини бугун янада теранроқ ҳис этайлмиз.

Исҳоқхон Ибрат фаолият доираси кенг, Ватан, юрт истиқлоли учун азиз жонини фидо қилган миллий уйғониш даврининг етук намояндаларидан биридир. Унинг ота-онаси ўз даврининг зийли кишиларидан бўлган. Ибрат дастлаб ҳижо усулига асосланган қишлоқ мактабиде ўқиди, аммо саводини онасининг қўлида чиқарди. Адабиёт ҳамда санъатта меҳри балинд бўлганидан ташқили давом эттириши учун уни Қўқонга юбордилар. 1878 йилда Мухаммад Сиддик Тўнқатор мадрасаси толиби бўлади. Унинг таҳсил йиллари ўзбек адабиёти, маданияти, таълимида туб сифат ўзгаришлари юз бераётган даврга тўғри келади. Ибрат Қўқон адабий мухитининг йирик вакиллари — Мукимий, Фурқат, Завқий, Нодим Хазиний ва Маҳмур билан яқин муносабатда бўлиб, адабий мушоираларда қатнашади.

Ёш Исҳоқхоннинг тил ўрганишга иштиёқи балинд, бу борадаги қобилияти тенгдошларига нисбатан анча зиёда эди. Шу боис ўқиш чоғида араб, форс, рус тилларини чуқур ўрганди. Шарқнинг буюк олимлари асарларини асл тилида мутулаа қилди. 1886 йилда мадрасани тугатиб, қишлоқига қайтган, ёшлар учун янги усулдаги мактаб очди. Ўзи дарслик эди. Бу ерда фақатгина битта синф бор эди. Лекин ихтимой билимларни ўргатишга ихтисослаштирилган бу мактабни

ИБРАТ ИЛМИ

маҳаллий раҳбарлар босими остида тез орада беркитишга мажбур бўлди. Шундан сўнг Ибрат саёхат мақсадида Истанбул, София, Рим, Афина каби машҳур шаҳарларга, Хиндистон давлатига боради. Сафарлар чоғида "Чет тилларни билиш жаҳон адабиёти, маданияти ҳамда фанини ўрганишда катта имконият яратди", деган хулосага келади ва француз, инглиз, хинд тилларини ҳам ўрганади.

1907 йилнинг ёзида Ибрат Оренбургга боради ҳамда бу ерда маҳаллий халқнинг маданияти, санъати, шунингдек, ўлкадаги техника янгиликларига қизиқади. Қўнларнинг бирида матбаачи Гаурман билан танишиб қолади. Турли адабиётларнинг босма усулда чоп этилишини кўзи билан кўриб, ҳайратга тушган Исҳоқхон ўз юртида кичик босмахона очиниши дилига туғади. Унинг мақсадини қўллаб-қувватлаган Гаурмандан бир неча турдаги харфлар тўплами, битта литография машинасини ўн йил давомиде пулини тўлаш шарти билан сотиб олади. Ибрат уларни катта машаққатлар эвазига поезда Қўқонгача, сўнг Тўрақўрғонга отариб олади. Ибратнинг бу ишлари "Матбааи Исҳоқия", номли босма-

хона фаолиятини йўлга қўйиб, кўшни Косонсой, Чуст, Поп, Уйчи ҳамда Чортоқ туманларига ҳам хизмат кўрсата бошлади. Бундан ташқари, янгилик ташна Ибрат бошқа юртлардан келтирган кўчатларини кўпайтириб, ажойиб боғ яратди. Гишт хумдон, ҳаммом, фаввора қуради. Хиндистондан олиб келган музлаткичи билан ҳамқишлоқларини ҳайратга солади.

азиз инсонлари ҳақида сўз очиб, биринчи галда Ибрат домла ҳақида тўхталган. Тўрақўрғон шаҳрида унинг номидеги хиёбон ҳамда тил ўргатиш мактабини ташкил этиш тақлифини ўртага ташлаган эди.

Бундан нафақат би — Ибрат домланнинг авлодлари, балки бутун Наманган аҳли хурсанд бўлди. Президентимизнинг ушбу эзгу тақлифи айни чоғда амалий ишларда

ўз ижобатини топмоқда. Жумладан, бўлажак мажмуанин тажрибали бешморлар томонидан тайёрланган бош лойиҳаси асосида режа-лаштирилган ишлар қизгин олиб борилмақда.

Маълумки, жорий йилнинг 7-8 июль кунлари Наманган вилоятига таширф буюрган Президентимиз бунёдкорлик ишлари билан танишини дастлаб Тўрақўрғондан, Ибрат номидеги хиёбон қурилишидан бошлади. Лойиҳага мувофиқ, салкам уч гектар майдонни эгаллаган бу жойда 400 ўқувчига мўлжалланган тиллар мактаби биноси битиши арафасида. Унинг ёнига ётоқхона, спорт зали қурилади. Замонавий мусиқали фаввора, Ибратнинг ҳайкали ўрин оладиган хиёбонга хорийждан келтирилган қизил каштан, лола дарахти, магнолия, яшил Илекс, Хиндистон настарини сингари ўнлаб турдаги ноёб манзарали дарахт кўчатлари ўтказилади. Бир пайтинг ўзида худуддаги тарихий иншоот — Фойибазар қози мадрасаси ҳам қайта тикланапти. 1879 йилда қурилган ҳамда ҳозирги пайтга келиб нурай бошлаган мажмуа бино моҳир усталар сай-ҳаркузи билан қайта сайқал топмоқда. Давлатимиз раҳбари ушбу маж-



муани мазмун жиҳатидан такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Хусусан, тил ўргатишга ихтисослаштирилган мажмуа мактабини Наманган давлат университети қошида ташкил этиш, бу ерда Алишер Навоий номидеги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда хорийжий тилларни чуқурлаштирилган тарзда ўргатиш зарурлиги таъкидланди. Мажмуада бунёд қилинадиган замонавий босмахона эса улуг бобомиз бошлаган эзгу ишнинг мантиқий давоми бўлади.

Бобомизнинг номи бу қадар улуғлангандан барчамиз беҳад мамнунимиз. Яқин вақт ичида фойдаланишга топшириладиган замонавий боғ, ёдгорлик мажмуаси Тўрақўрғон аҳли ҳамда бу ерда таширф буюрувчи меҳмонлар учун сеvimли зиёратгоҳга айланади, албатта.

Айни пайтда қурилиш ишлари илган бир қаторда, мажмуа худудиде ташкил этиладиган музейга экспонатлар йиғилмоқда. Исҳоқхон Ибрат фойдаланган музлаткичи, фотоанжумлар, ҳўжалик буюмлари, унинг либослари, ёзган ва нашр қилган китоблари, қўлёзмалари, суратлар тўпланаяпти. Чўнки бу ашёрлар Ибратнинг номи оқланган фарзандлари томонидан сўраганларга эсдалик сифатида бериб юборилган эди. Энди эса унинг номидеги музейда аждодимизнинг ҳаёти ҳамда ихтимойи фаолиятини сўзловчи қимматбахо манбага айланади.

Жамила НИЗОМОВА, меҳнат фахрийси.

Тез тиббий ёрдам янада такомиллашади



Жиззах вилоятидаги тиббиёт муассасалари замонавий технологиялар шарофати билан маълумотларни узатишининг ягона тармоғига бирлаштирилди. Диспетчерлик хизмати ҳамда маркадаги санитар автотранспортларга GPS навигаторлари ўрнатилгани чақирикда юрган машиналарни доимий назорат қилиш имкониятини яратди.

САЛОМАТЛИК

— Дунёнинг аксарият мамлакатларида тиббий ёрдам кўрсатишининг илк босқичида беморларга, асосан, ўрта тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатади, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Мелитозия Ёқубов. — Биз эса ана шу юмушга юқори малакали шифокор-

ларни жалб этганмиз. Натижада тез ва аниқ ташхис қўйишга эришялмиз. Яна бир диққатга сазовор жиҳати, Республика шойилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах вилояти филиалига "Hyundai" русумли 9 донга замонавий реанимобиль топширилди. Президентимизнинг 2017 йил 16 март-

даги "Шойилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида амалга оширилаётган бу юмушлар аҳоли саломатлигини кафолатли таъминлашга хизмат қилади.

Толибжон ЭРГАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REPUBLIKA MILK MARKAZI» МЧЖ

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф етади.

1. Аукцион савдосига «Ўзбекэнерго» АЖнинг «Илмий-техника маркази» МЧЖга қарашли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мухтор Ашрафий кўчаси, 1-муолиши, 9-«А» уйда сақланаётган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:
 - Битта 1250 кг.ли гидравлик пресс.
 - Бошлангич баҳоси — 2 700 000 сўм.
 - Битта керамик материалларга термик ишлов бериш учун дастурланадиган стенд, техник соз.
2. Бошлангич баҳоси — 34 973 028,84 сўм.
 - Битта технологик центрифуга.
 - Бошлангич баҳоси — 360 000 сўм.
 - 4 та техник соз бўлган «SNOLB.2» русумли лаборатория электр печкаси.
 - Бошлангич баҳоси — 24 576 405,96 сўм.
 - Битта техник соз бўлган, шарсимон тегиримон.
 - Бошлангич баҳоси — 5 817 891,55 сўм.
 - Вертикал пармаловчи дастоҳ.
 - Бошлангич баҳоси — 4 800 000 сўм.
 - 98 та 250 мл.ли шиша колба.
 - Бошлангич баҳоси — 593 903,87 сўм.
 - 22 та 150 мл.ли кимё стакани.
 - Бошлангич баҳоси — 61 107,46 сўм.
 - 2 та 1 л.ли колба.
 - Бошлангич баҳоси — 8 989,36 сўм.
3. Аукцион савдоси доғлиби, деб топилган шахсга 3 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Закалат пули миқдори — 10 фоиз.
4. Аукцион савдоси 2018 йил 11 январь кунни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2018 йил 15 январь кунни соат 18.00.
5. Юқоридаги ускуна 2018 йил 17 январь кунни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдолари 2018 йил 1, 16 февраль, 5 март кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.
6. Такрорий аукцион савдоси учун аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати: 2018 йил 1 февралдаги савдо учун — 30 январь, 16 февралдаги савдо учун — 14 февраль, 5 мартдаги савдо учун 2 март кунлари соат 18.00.
7. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.
8. Таалабгорлар мулклар эгаси вакили иштирокида бевосита жойига қичиб улар билан танишишлари мумкин.
9. Таалабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда, савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувиде белгиланган миқдордан кам бўлмаган закалат пулини «Respublika milk markazi» МЧЖнинг «Ипак йўли» АЙТБ «Сағбон» филиалидаги МФО: 01036, СТИР: 200933850, 2020800500571452114 ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Мустақил аудиторлик ташкилотлари диққатига!

Танловда қатнашишга тақлиф «ЎЗМЕЛИОМАШИЗИНГ» давлат унитар корхонаси

Ўзининг 2017 йил молия-ҳўжалик фаолияти натижаларини йиллик мажбурий аудиторлик текширувдан ўтказиш учун аудит ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилади.

Аудиторлик ташкилотлари қуйидаги талабларга мос бўлиши лозим:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга берилган лицензияга ва фуқаролик жавобгарлигини сурғурталаш полисига эга бўлиши;
- устув жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган корхоналарда ташқи аудит ўтказиш ҳуқуқига эга аудиторлик ташкилотлари рўйхатида бўлиши;
- йирик корхоналарда, шу жумладан, лизинг ташкилотларида ҳам аудит хизматлари ўтказиш тажрибаси ва етарли малакадаги ходимлар бўлиши.

Танловда қатнашиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

- аудиторлик ташкилотининг лицензияси ва гувоҳномаси нусхаси;
- аудиторлик ташкилоти раҳбари ва аудиторларнинг амалдаги малака сертификатлари нусхаси.

Аризалар аудиторлик хизматлари учун тўланадиган қиймат белгиланган ҳолда 2017 йил 31 декабрь кунни Тошкент вақти билан соат 16.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади.

Барча саволлар бўйича шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунни соат 9.00 дан 16.00 гача (0-371) 239-19-32 телефон рақами орқали мурожаат этиш мумкин.

Белгиланган мuddатдан кейин тўшган аризалар эътиборга олинмайди.

«Ўзмелиомашизинг» ДУК манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги биноси, 8-қават, 118-хона. Тел./факс: (0-371) 239-46-24.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетлари тахририяти жамоаси тахририят ходими Ниятжан Расуловага турмуш ўртоғи Зокиржон РАСУЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 73 542 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гизматини худуддаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб бериладиган учун обуюнин расмийлаштирилган тақлифот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор Ж. Тогов томонидан сақлалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатда сифатли чоп этилишини «Шарк» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсум. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Абиллов. Навбатчи — М. Холматов. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарк» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. УЗА якуни — 23.45 Топширилди — 01.00 1 3 4 5 6